

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ ИЛМӢЙ МЕРОСИНӢНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАДҚИҚИ

ИССЛЕДОВАНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ МАХМУДА ЗАМАХШАРИ

STUDY OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF MAHMUD ZAMAKHSHARY

Saidafzal S. SAIDJALOLOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
senior lecturer of ICESCO department of Islamic
studies and Islamic civilization source study.
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.
E-mail: saidafzal@mail.ru

DOI: 10.47980/PIAU/2021/4/3

Аннотация: Маҳмуд Замахшарий мероси бўйича асарлар давомидида олиб борилган изланишларнинг асосий жиҳатларини тадқиқ ва таҳлил қилиш.

Кириш қисмида Замахшарий асарлари борасида олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг муаллифлари борасидаги умумий маълумотлар тақдим қилинган. Замахшарийшуносликнинг Шарқу Фарбдаги тараққиёти ҳақида маълумотлар берилган. Аллома асарларининг юртимизда ўрганилиши ёритилган.

Услублар қисмида мақолани ёзишда фойдаланилган тарихий таҳлил, анализ, синтез, индукция, дедукция каби методларнинг аҳамияти изоҳланган ва бу борада аллома меросидан мисоллар келтирилган.

Натижалар қисмида Замахшарий меросини ўрганиш орқали тарих, исломишунослик, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тилишунослик, манбашунослик, грамматика ва адабиётшунослик каби турли фанларнинг муайян даврдаги ҳолати, ривожланиш тенденциялари, ўзаро таъсири, уйғун ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги илмий хулоса ва натижалар олиш имконини бериши баён қилинган.

Муҳокама бўлими уч қисмдан иборат.

Биринчи қисмда Замахшарийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида мўъжаз маълумотларни тақдим қилган манбалар ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Бунда асосан табақот жанрида ёзилган асарларга аҳамият қаратилган. Тарих, тилишунослик, тафсир ва фикҳ йўналишида ёзилган тарихий манбаларда аллома ҳаёти ва фаолиятининг акс эттирилиши баён қилинган.

Иккинчи қисмда Маҳмуд Замахшарий ва унинг илмий фаолиятига бағишланган алоҳида тадқиқотлар таҳлили тақдим этилган. Замахшарий ҳаёти ва фаолияти, унинг тилишунослик ва тафсиришуносликка қўшган ҳиссасига оид изланишларда аллома асарлари сони ва мавзусининг таҳлил этилиши ўрганилган.

Учинчи қисмда Маҳмуд Замахшарийнинг муайян асарига бағишланган тадқиқотларнинг кириш қисмида аллома мероси ҳақидаги маълумотлар қиёсланган. Алломанинг тилишунослик ва тафсирга оид асарлар тадқиқотлар марказида бўлиб келган. Ҳар бир тадқиқотда Замахшарий асарлари таҳлили берилган.

Хулоса қисмида куйидагилар таъкидланган:

Қадимдан муаррихлар ва мутахассислар эътиборида бўлиб келган Маҳмуд Замахшарий мероси ҳозирги даврда ҳам дунёнинг турли чеккаларида илмий изланишлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Хориж тадқиқотчилари Замахшарийнинг ҳаёти ва у яшаган давр билан боғлиқ маълумотлар ҳамда алломанинг асарларида кўтарилган масалалар борасида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Маҳмуд Замахшарий 90 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Улар уч қисмга бўлиб ўрганилади: 1. Матбуъ (нашр қилинган). 2. Махмут (қўлёзма). 3. Мафқуд (йўқолган).

Замахшарийшуносликдаги асосий йўналишлари тилишунослик ва тафсиришуносликдир. Мақолда Замахшарий меросининг асосий жиҳатлари тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Замахшарий, замахшарийшунослик, исломишунослик, фикҳшунослик, манбашунослик, тарих, Хоразм тарихи, тилишунослик, Қуръон тафсиришунослиги.

Аннотация: Цель статьи: изучить и проанализировать многовековые исследования наследия Махмуда Замахшари.

Вводная часть представляет собой обзор исследований произведений Замахшари и информативный материал об их авторах. Дана информация о развитии исследований, посвященным творчеству Замахшари на Востоке и Западе. Освещено изучение трудов ученого в нашей стране.

В разделе «**Методы**» объясняется важность методов, использованных при написании статьи, таких как исторический анализ, анализ, синтез, индукция, дедукция. Приводятся примеры из наследия ученого.

В разделе «**Результаты**» отмечено, что изучение наследия Замахшари позволяет сделать научные выводы и заключения о состоянии и тенденциях развития различных дисциплин в XI-XII веках, таких как история, исламские исследования, тафсир, хадисы, фикх, акида, лингвистика, источниковедение, грамматика и литература.

Раздел «**Обсуждение**» состоит из трех частей.

В первой части представлена информация об источниках, дающих краткую информацию о жизни и творчестве Замахшари. Он ориентирован на произведения, написанные в жанре табакат. В арабских исторических источниках по истории, лингвистике, тафсиру и юриспруденции, можно найти сведения о жизни и деятельности ученого.

Во второй части представлен анализ конкретных исследований, посвященных Махмуду Замахшари и его научной деятельности.

В третьей части сравниваются исследования, посвященные отдельным произведениям Махмуда Замахшария.

В заключении отмечено следующее:

Наследие Махмуда Замахшария, долгое время находившееся в центре внимания историков и экспертов, до сих пор служит основой для научных исследований в различных частях мира.

Зарубежными исследователями проводятся исследования, касающиеся жизни Замахшария и периода, в который он жил, а также по вопросам, поднятым в трудах ученого.

Махмуд Замахшария - автор более 90 работ. Они изучаются по трем направлениям: 1. матбуъ – (печатные издания); 2. махтут – (рукописи); 3. мафкуд- (потерянные экземпляры)

Основными направлениями замахшаристики являются лингвистика и корановедение.

Ключевые слова: Замахшария, замахшаристика, исламоведение, юриспруденция, источниковедение, история, история Хорезма, лингвистика, коранический комментарий.

Abstract: Purpose of the article: to study and analyze the centuries-old studies of the heritage of Mahmoud Zamakhshary.

The introductory part provides an overview of researches into the works of Zamakhshary and their authors. Information is given on Zamakhshary's studies in the East and West. We highlighted the study of the books of the scientist in our country.

The Methods section explains the importance of the methods used in writing the article, such as historical analysis, analysis, synthesis, induction, deduction, and provides examples from the legacy of Zamakhshary.

The Discussion section consists of three parts.

The first part provides information about sources that give us facts about the life and work of Zamakhshary. It focuses on works written in the at-Tabaqat genre. We can find a description of the life and work of the scientist in the Arab historical sources (written in the field of history, linguistics, commentary, and jurisprudence).

The second part presents an analysis of specific studies on Mahmoud Zamakhshary and his scientific activities.

The third part compares studies devoted to a specific work by Mahmoud Zamakhshary.

The conclusion noted the following:

Mahmoud Zamakhshary's legacy, which has long been the focus of historians and experts, still serves as the basis for scientific research in various parts of the world.

Mahmoud Zamakhshary is the author of over 90 works. They consist of three parts: 1. Matbu' - (printed versions). 2. Makhtut - (manuscripts). 3. Maftud- (lost examples)

The main areas are linguistics and Qur'anic studies.

Keywords: Zamakhshary, Zamakhshary studies, Islamic studies, jurisprudence, source studies, history, Khorezm, history, linguistics, Qur'anic commentary

КИРИШ

Махмуд Замахшарий (1075-1144) ҳаёти ва илмий меросига бағишланган тадқиқотлар ўзининг узок тарих (XII-XXI асрлар) ва кенг кўламли географияга эга.

Аллома мероси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Замахшарий ҳақидаги маълумотлар Самъоний, Қураший, Ҳожи Халифа, ибн Қутлугбека, Ҳожи Халифа, Ибн Халликон, Заҳабий, Зириклийнинг асарларида учрайди. К. Броккельман, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, С.М.Прозоров сингари олимлар унинг серқирра ижоди устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ҳозирги вақтда Махмуд Замахшарий меросини ўрганиш бўйича Ватанимизда олиб борилаётган илмий изланишлар кўлами кундан кунга кенгаймоқда. Замахшарийшунослик соҳасида тадқиқот олиб борган ва бу борада қимматли маълумотларни тақдим этган олимлар қаторида академик А. Рустамов проф. У.Уватов, фил.ф.н. М.Ҳакимжонов, А.Абдужабборов, фил.ф.н. Н.Сулаймонова, фил.ф.н. М.Носирова кабиларнинг хизматларини таъкидлаш ўринли.

Бугун замахшарийшуносликнинг тараққий этишида аллома меросига ўз илмий фаолиятининг асосий қисмини бағишлаган фил.ф.д. проф. Зоҳиджон Махмудович Исломов олиб борган изланишларни алоҳида қайд этиш ўринли (Исломов, 1993), (Исломов, 1998). Сўнгги йилларда З.М.Исломов томонидан аллома меросининг барча қирраларини қамраб олишга қаратилган фундаментал тадқиқотлар олиб борилди (Исломов, Муқаддаматул-адаб (манбашунослик таҳлили) , 2002), китоблар ва рисоалар чоп этилди (Исломов, Адаб илмининг дурдонаси, 2002), мақола ва кўрсатувлар тақдим этилди (Исломов, Махмуд Замахшарий, 2002), номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Мустиқиллик йилларида маънавий меросга эътибор боис, ҳозирда маълум маънода Замахшарийшунослик мактаби шаклланди.

Аллома меросининг кўлами кенг ва аҳамияти улканлиги сабаб ўтган XX асрда ва янги асрнинг сўнгги йилларида ҳам унга бағишланган тадқиқотлар тўхтаб қолгани йўқ. Балки, бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар янада янги маълумотларни, Махмуд Замахшарий меросининг ҳали ўрганилмаган саҳифаларини кашф этилишига сабаб бўлмоқда.

УСЛУБЛАР

Махмуд Замахшарий меросини ўрганиш анализ методи муҳим аҳамиятга эга ва уни амалга

ошириш мураккаб. Айни пайтда аллома меросини тўлиқ қамраб олган мукаммал тадқиқотга эҳтиёж сезилади. Асрлар давомида замахшарийшунослик бўйича амалга оширилган илмий изланишларда олимнинг барча асарлари рўйхатини шакллантириш ва улар ҳақида маълумот беришга ҳаракат бўлган. Масаланинг эътиборли жиҳати, тадқиқотдан тадқиқотга аллома асарларининг сони ортиб борган ва мазкур асарлар борасидаги қарашлар теранлашган. Шу сабаб, Маҳмуд Замахшарий меросини тўлиқ анализ қилишга ҳали хануз эҳтиёж мавжуд.

Замахшарий асарларини ўрганишда тарихий таҳлил методи муҳим. Бу борада XII асрдаги Хоразм илмий муҳити ҳолати ва ривожланиши ўрганиш аллома илмий фаолияти ҳақидаги маълумотларни таҳлилий ўрганишда муҳим омил бўлади. Замахшарий шахси ва асарларига ёндашувда XII асрда мусулмон дунёсида кечган жараёнларни ҳисобга олиш аҳамиятли. Мўътазила ақидасининг турли ўлкаларда, жумладан, Хоразмда ёйилиши, тараққий этиши ва таназзулга учраши билан боғлиқ ҳолатларни тадқиқ этиш Маҳмуд Замахшарий асарларини ўрганиш омилларидандир.

Замахшарий меросини ўрганишда синтез методи ҳам муҳим. Алломанинг 90 дан ортиқ асарлари орасида бир асарни таҳлил қилишнинг ўзи Замахшарий даҳоси ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиш учун асос бўлади. Масалан, Замахшарийнинг ҳанафий мазҳаби мадҳига бағишланган шеърлари, алломанинг мўътазила мазҳабининг кучли тарафдори бўлганини инкор қилади.

НАТИЖАЛАР

Маҳмуд Замахшарий меросини ўрганиш орқали тарих, исломшунослик, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тилшунослик, манбашунослик, грамматика ва адабиётшунослик каби турли фанларнинг муайян даврдаги ҳолати, ривожланиш тенденциялари, ўзаро таъсири, уйғун ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги илмий хулоса ва натижалар олиш имконини беради.

Маҳмуд Замахшарий қомусий аллома бўлгани манба ва тадқиқотларда ўз ифодаси ва исботини топган. Алломанинг “ал-Кашшоф” тафсирини ўрганиш нафақат Қуръони карим маъноларини англаш, балки бу маъноларини кашф этиш усуларини тушуниш, араб тилининг янги қирраларини очиш, ҳукм оятлари орқали фикҳий мазҳаблар қарашлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Замахшарий асарларини ўрганишда индукция методи ҳам муҳим. Меросининг бир жиҳатини таҳлил қилган ҳолда умумий хулосалар чиқариш индукция ҳосиласидир. Дедукция методи орқали аллома асарлардаги умумий жиҳатлардан хусусий ечимларга келиш мумкин.

МУҲОКАМА

Маҳмуд Замахшарий илмий меросига бағишланган тадқиқотлар кенгдир. Улар илмий изланишлар ва манбалар бўлиб, уч қисмга бўлиш мумкин:

Биринчи, Замахшарийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида мўъжаз маълумотларни тақдим қилган манбалар. Ўрта асрлар тарихига оид манбалар, Хоразмшоҳлар даври адабиётлари, араб адабиёти ва тилшунослигининг тараққиёт босқичлари, тарихи ва шаклланишига оид асарлар, тафсир ва муфассирлар ҳамда фикҳ ва фақиҳларга оид кўплаб “табақот” жанридаги китобларда Маҳмуд Замахшарий ҳақида қисқача бўлса-да маълумот берилганини кўриш мумкин. Мазкур асарлардаги аллома ҳақида берилган маълумотлар таҳлили Замахшарийнинг серқирра фаолияти ҳақидаги тасаввурларни шакллантириши билан бирга аллома шахси ва меросига нисбатан турли ёндашувларни ҳам англаш имконини беради. Айрим манбаларда Маҳмуд Замахшарий даҳоси олдидаги ҳайрат намоён, бошқаларида эса унинг мўътазила оқимининг ашаддий тарафдори ҳақидаги чизгилар кишини тўлқинлантиради, баъзиларида эса холислик нуқтаи назари ҳукмрон.

Замахшарий билан замондош олим, муаррих, адиб, фақиҳ ва муҳаддис сифатида танилган Абдулқарим Самъоний (1113-1166) ўзининг машҳур “Ал-Ансаб” асарининг “Аз-Замахшарий” деб номланган мақоласида Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қимматли маълумотларни тақдим этган: “Замахшар катталиги Жазоирдаги Балида шахрига тенг келадиган Хоразм қишлоқларидан бири Мен Хоразмга боришимда ва қайтишимда у ерда икки кеча қолдим. Бу ердан машҳур Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар аз-Замахшарий ал-Луғавий етишиб чиққан”. Самъоний Маҳмуд Замахшарий турли фанларда моҳир эканини таъкидлаб, у билан учраша олмаганини қайд этган (Самъоний, 1980:297).

Академик З.Бунятов ўзининг “Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлати (1097-1231)” номли асарида хоразмшоҳлар давлатида фаолият юритган 45дан ортиқ илм-фан, адабиёт намояндалари каторида Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги қуйидаги маълумотларни тақдим этган: “Хоразм фаҳри, аллома, Жоруллоҳ Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хоразмий аз-Замахшарий. “Ан-Наҳавий” ва “ал-Луғавий” каби унвонларга ҳам эга Хоразмнинг энг буюк олимидир. Кўплаб асарлар муаллифи ва ўз даврида балоғат, стилистика, астрономия ва бошқа фанларда энг олий мақомга, нуфузга эга бўлган” (З.М.Бунятов, 1999:278).

Абдулқодир Қураший “Ал-жаваҳир ал-музййя фий табақот ал-ҳанафия – “Ҳанафий мазҳабида зиё таратган гавҳарлар” номли асарида Маҳмуд Замахшарийни улуғ имом ва адаб илмида зарбулмасал даражасидаги аллома эканини қайд этади. Эътиборли жиҳати, айнан Қурашийнинг мазкур асари нашрида Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги маълумотлар 35 манба асосида зикр қилинган. Ушбу манбаларнинг Замахшарий ҳақида маълумот берувчи ўринлари аниқ қайд этилган (Қураший, 1993:447). Масалан, Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун” асаридаги 36 ўринда Маҳмуд Замахшарий ҳақида маълумот берилгани жилдлар ва саҳифалар рақамлари орқали таъкидланган.

Абдулҳай Лакнавий ўзининг “Ал-фаваид ал-баҳийя фий тарожум ал-ҳанафия” номли қомусий асарида Замахшарийга бағишланган мақолани “Абулқосим Жоруллоҳ аз-Замахшарий” дея номлаб, аллома ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни таҳлилий тарзда тақдим этган (Лакнавий, 1998:343).

Ҳожи Халифа ўзининг “Силм ал-вусул ила табақот ал-фухул” номли асарида Замахшарийга бағишланган мақолани аллома шаънини улуғлаган тарзда унинг нафақат исми-шарифи, нисбаси, балки барча унвонлари билан номлаган: “Ал-Имам ал-Аллома Жоруллоҳ Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий аз-Замахшарий ал-Ҳанафий” (Ҳожи Халифа, 2010:314). Бу ҳам Маҳмуд Замахшарийга берилган алоҳида эътибор намунаси, алломанинг тарихий манбаларда улуғланиши белгисидир.

Қосим бин Қутлубуғо ўзининг ҳанафий мазҳаби фақиҳларига бағишланган “Тож ат-тарожум фий табақот ал-ҳанафия” асарида Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериши диққатга сазовордир. Сабаби, китоб ҳанафий мазҳаби намояндаларига бағишланган ва улар қаторида Замахшарийга бағишланган алоҳида мақола мавжуд (Ибн Қутлубуғо, 1997:291).

Шамсиддин Заҳабий ўзининг “Сиёр аълам ан-нубало” номли 25 жилдлик катта ҳажмдаги асарида Замахшарий ҳаёти, фаолияти, устозлари, шогирдлари ва асарлари ҳақидаги қимматли маълумотларни тақдим этган (Заҳабий, 1982:151).

Немис олими Карл Броккельман ўзининг “Араб адабиёти тарихи” китобида Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ҳақида мўъжаз маълумотни тақдим этган. Алломанинг 31 асари, уларнинг дунёнинг турли фондларида сақланаётган қўлёзмалари, асарларга битилган шарҳлар, хошиялар, раддияларнинг нусхалари ҳақида батафсил маълумот тақдим этган (Броккелман, 1977:176).

2006 йилда Нью-Йоркда Роутлеж нашриёт уйи томонидан Глостершил университети (1841 йилда

асос солинган, Буюк Британия) профессори, антик давр фалсафаси, дин фалсафаси, исломшунослик, ислом фалсафаси бўйича 80га яқин китоб, рисола ва мақолалар муаллифи Рой Жексон (1962 йилда туғилган) томонидан таълиф этилган «Исломдаги энг муҳим 50 шахс» номли китоб нашр этилди. Унда 570 йилдан ҳозирги давргача ислом оламида яшаб ўтган буюк шахсларнинг 50 таси сараланиб олинди, улар ҳақида батафсил маълумот берилган. Асарнинг “Маҳмуд ибн Умар Замахшарий” номли мақолада профессор Жексон: “Замахшарий илоҳиётшунос, муфассир, тилшунос, грамматика билимдони. У XII асрнинг энг зўр муфассири ва тилшуносидир. Табарийдан сўнг энг яхши Қуръони карим тафсири билимдонилар”, дея қайд этган (Жексон, 2006:91).

Иккинчи, Маҳмуд Замахшарий ва унинг илмий фаолиятига бағишланган алоҳида тадқиқотлар. Замахшарий даврдан бошлаб ҳозиргача унинг мероси ва асарлари борасидаги изланишлар тўхтагани йўқ. Алломанинг илмий мероси асарлари турли давр олимлари эътиборида бўлиб келган. Асарлари хаттотлар томонидан минглаб нусхаларда кўчирилган. Шарку Ғарб кутубхоналари, китоб фондлари, музейларининг беаҳига айланган. Замахшарийга мансуб ҳар бир қўлёзма муайян даражада кўчирилган давр илмий муҳитини акс эттирувчи ҳужжатдир. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Маҳмуд Замахшарий асарлари қўлёзмаларини илмий тадқиқ этиш, илмий-танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр этиш ишлари жадал суръат олди.

1966 йилда Қоҳира университети профессори Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфийнинг “Аз-Замахшарий” номли асари чоп этилди. Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва ижодининг барча қирраларини қамраб олган мазкур китоб айни пайтгача замахшарийшунослар диққат марказида. XI-XII асрларда Хоразмдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳит изоҳи билан бошланган асарда Маҳмуд Замахшарийнинг турли соҳалардаги фаолияти унинг китоб ва рисоалари воситасида, аниқ мисоллар асосида очиқ берилган. Мўътазилийликдаги беш асоснинг Замахшарий меросига таъсири борасида далиллар келтирилган (Ал-Хуфий, 1966:80).

1968 йил Мисрдаги “Айнуш-шамс” номли университет устози, доктор Мустафо Совий Жувайнийнинг “Замахшарийнинг Қуръон тафсиридаги услуби ва эъжозининг баёни” номли китоби нашр этилди. 3 боб, 7 бўлимдан ташкил топган мазкур асарда Хоразм муҳити, Замахшарий ҳаёти, сафарлари, илмий фаолияти, мўътазила мактаби, Замахшарийнинг тафсирдаги ўзига хос услуби, Қуръон илмлари орасида “эъжоз”нинг

ўрни ва уни баён қилишда Замахшарий услуби каби масалалар тадқиқ ва таҳқиқ қилинган (Жувайний, 1968:91).

1971 йилда таниқли замахшарийшунос Бағдод университети Адабиётшунослик факультети устози доктор Фозил Солиҳ Самроийнинг “Замахшарийнинг грамматика ва тилшуносликка оид қарашлари” номли китоби нашр этилди. Мазкур асарда алломанинг араб тили ва грамматикаси тараққиётидаги ўрни очиб берилган. Муаллиф Замахшарийнинг “Балоғат асослари” асарини араб тилшунослигида айни пайтгача ҳам беназир бўлиб келатганини, ўз давригача ва ўз давридан кейин ҳам балоғат илми бўйича мислсиз эканини таъкидлаган (Самроий, 1971:27).

1973 йилда шарқшунос олимлар Б.З.Холидов ва А.Б. Холидовлар томонидан “Замахшарийнинг унинг замондоши Андарасбани томонидан тузилган таржимаи ҳоли” номли мақола эълон қилинди. Мақолада аллома ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Андарасбани Замахшарий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, аллома асарларини нақл қилишга рухсат ола олмаганини афсус билан қайд этади (Холидов, Боки Зоҳидович; Холидов, Анас Бокиевич, 1973:5).

1977 йилда Қоҳирадаги “Дорус-сакофа лит-тибаъа ван-нашр ват-тавзиъ” нашриётида Доктор Муртазо Оятуллоҳ Шерозийнинг “Замахшарий тилшунос ва муфассир сифатида” деб номланувчи рисоласи чоп этилди. Маҳмуд Замахшарийнинг тилшунослик ва тафсирга оид асарларига бағишланган мазкур рисола аллома меросига бағишланган тадқиқотлар орасида муҳим аҳамият касб этди.

1979 йилда Англиянинг қадимий Дюрем университети (1832 йилда асос солинган) нашриёти томонидан тадқиқотчи АзмиЙ Юксалнинг фалсафаси доктори даражаси олиш учун тайёрлаган “Аз-Замахшарий ҳаёти ва унинг “Девон” асарининг танқидий матни” монографияси чоп этилди. 5 бўлимдан ташкил топган монографияда Маҳмуд Замахшарий ҳаёти, шахсий фазилятлари ва дунёқараши, асарлари, шеърӣ девонининг қўлёзма нусхалари, девонинг танқидий матни ва ундаги шеърларнинг мавзулари, вазн ва қофиялари ҳақида батафсил маълумот берилган. АзмиЙ Юксал Замахшарий асарларини тадқиқ қилар экан, монография чоп этилган давргача алломанинг нашр қилинган асарлари, қўлёзма нусхалари ва ҳали топилмаган китоблари ҳақида ўз қарашларини илгари сурган (АзмиЙ, 1979:15).

1982 йил Туркиянинг Фотиҳ университетиди Абдулҳамид Қосим Нажжорнинг “Замахшарий

асарлари ва унинг грамматик услуби” номли тадқиқоти нашр этилди. Китобнинг кириш қисмида XI-XII асрларда Хоразм муҳити, ундаги сиёсий, ижтимоӣ ва маданий ҳолат ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб Замахшарий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Унда алломанинг насл-насаби, исми-шарифи, униб-ўсган оиласи, шахсий фазилятлари, уйланмай ўтганининг сабаби, Каъбага қўшни бўлиб яшагани ва вафоти ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Иккинчи боб Замахшарий ва мўътазила муносабатларига бағишланган. Унда мўътазила оқимининг тарихи, таълимоти, Замахшарийнинг мўътазилага муносабати ҳақидаги муаллиф фикрлари зикр қилинган.

Учинчи боб Замахшарийнинг илми ва мақоми, унга уламолар ва ҳокимлар муносабати, мероси ҳақида баҳс юритади.

Тўртинчи бобда алломанинг грамматика илмига муносабати таҳлил қилинган. Замахшарийнинг грамматикадаги мазҳаби тадқиқ қилиниб, алломанинг Басра ва Куфа грамматик мактабларига мос қарашлари, араб грамматикаси намояндалари қарашлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тафсилотлари билан баён қилинган.

Бешинчи боб “Замахшарийнинг грамматик услуби” деб номланиб, унда алломанинг араб грамматикасига оид асарлари асосида унинг ўзига хос услуби очиб берилган. Мазкур тадқиқот замахшарийшуносликда аллома ҳаёти ва фаолият ҳақида мўътабар изланишлар олиб борган ва асарлар ёзган Аҳмад Муҳаммад Хуфӣ, Фозил Солиҳ Сомроийлар қарашларини таҳлили билан аҳамиятлидир (Ан-Нажжор, 1982:35).

2001 йилда Ирок фанлар академияси нашриёти томонидан Аъзамия университетиди нашрга тайёрланган доктор Рашийд Абдурахмон ал-Убайдийнинг “Луғатшунос Замахшарий ва унинг “Ал-Фаиқ” китоби” номли тадқиқоти нашр этилди. 4 боб, 201 саҳифадан иборат мазкур нашр Замахшарий ҳаёти, илмий мақоми, аллома қаламига мансуб “Ал-Фаиқ” асари таҳлилига бағишланган (ал-Убайдий, 2001:19).

Замахшарий ҳаёти ва илмий фаолиятини кенг қамровди таҳлил қилган Камол Жабарий Абҳарий 2014 йилда “Замахшарий: сийрати, мероси ва грамматикада тутган йўли” номли китобни нашрдан Амманда нашр этди. Икки боб, ўн бўлимдан ташкил топган мазкур китобдан Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолияти, шахсий фазилятлари, устоз ва шогирдлари, илмий асарлари, илм-маърифат тараққиётида тутган мақоми, “Муфассал”

китобининг ёзилиш услуби, манбалари, эъроб асослари, асарнинг араб грамматикасидаги ўрни, Маҳмуд Замахшарийнинг араб грамматикасига оид йўналиши, қарашлари ва олимларнинг муносабатлари қабилар жой олган. Китобда Маҳмуд Замахшарий асарлари сони 85та этиб белгиланган (Абҳарий, 2014:43).

2020 йили Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт матбаа бирлашмасида проф. З.Исломовнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи” монографияси чоп этилди. Тадқиқот аллома Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг энг нодир ва машҳур асари “Муқаддамату-л-адаб” тадқиқига бағишланган. Асарнинг XIII–XV асрларда кўчирилган ўзбекча-туркий сўзлик киритилган нусхаларининг арабча-туркий йиғма илмий танқидий матни тузилган. Манбанинг тўлиқ таркибий таҳлили, дунё фондларидаги мавжуд қўлёзмалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Қўлёзмалардаги туркий сўзлик грамматик ва семантик таҳлил қилинган. Хорижий олимларнинг асар сўзлиги таржимасига оид тадқиқотлари танқидий ўрганилган ва фикр-мулоҳазалар берилган (Исломов, 2020: 334 б.).

Учинчидан. Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни алломанинг муайян асари нашрига оид тадқиқотларда кўришимиз мумкин. Замахшарийнинг муайян асарига бағишланган тадқиқотларнинг аксарида муаллифнинг аллома шахси ва мероси ҳақидаги қарашлари акс этган. Хусусан, араб тилидаги тадқиқотларнинг деярли барчасида Маҳмуд Замахшарийнинг муайян асари нашри кириш қисми аллома ҳаёти, ижоди ва асарлари ҳақида маълумот берилади. Баъзи нашрлар Хоразм илмий муҳити тавсифи билан бошланади.

Маҳмуд Замахшарий асарларини ўрганиш ва нашр этиш борасида Бағдод университети профессори Баҳийжа Боқар ал-Ҳасаний хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. Олима томонидан 1967 йилда Ироқ фанлари академияси журналида Замахшарийнинг “Ал-муфрад вал-муаллаф фин-нахв” – “Грамматикада ёлғиз ва қўшма сўзлар” ҳамда “Масъалатун фий калима аш-шаҳада” – “Шаҳодат калимасига доир масала” номли рисоаларини изоҳ ва шарҳлар билан чоп этди (Ал-Ҳасаний, 1967:17).

Профессор Баҳийжа Ҳасаний 1972 йилда алломанинг яна бир асари “Ал-муҳожот бил масаил ан-наҳвия” рисоласини ҳам нашр эттирди (Замахшарий, Ал-муҳожот бил-масаил ан-наҳвия, 1973:59). Асар муқаддимасида муаллиф Замахшарий ҳаёти ва илмий мероси борасидаги тадқиқотлар ҳақидаги фикрларини баён қилган (Mukhamedov N., 2020:138).

Маҳмуд Замахшарийнинг асосан тилшуносликка бағишланган асарларига эътиборини қаратган Бийжа Боқир Ҳасаний турли йилларда аллома қаламига мансуб “Ад-дур ад-даир”, “Ал-қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз”, “Ал-қасида ал-баъузийя”, “Ал-муфрад вал-мураккаб фил-арабия”, “Ал-муҳожот бил-масаил ан-наҳвия” каби асарларнинг қўлёзма нусхаларини тадқиқ этиб, нашр эттирди. Ироқлик олиманинг Маҳмуд Замахшарий меросига эътибори, унинг кўплаб асарларини тадқиқ қилиб, китобларининг илмий-танқидий матнларини нашр қилгани қуйидаги тарихий асосларга эга.

Биринчидан, Ироқнинг қадимий Кўфа ва Басра шаҳарлари араб тили грамматикасида ўзига хос ўринга эга. Грамматикада басраликлар ва кўфаликлар мактаблари, улар орасидаги илмий баҳслар алоҳида эътибор бериб ўрганилган. Маҳмуд Замахшарийнинг меросининг асосий қисми араб тили ва адабиётига бағишланган. Бу ироқликларнинг аллома меросига қадимдан эътибор бериб келишларига омилдир.

Иккинчидан, Замахшарий фикҳда ҳанафий мазҳаби вакили бўлган. Фикҳ илмини ироқлик алломалардан ўрганган. Ҳанафий мазҳаби асосчиси Имом Аъзам қадамжоси бўлмиш Бағдоддаги Имом Аъзам машҳадини зиёрат қилган. Замахшарий ўз асарларини Имом Аъзам машҳадида вақф қилгани ҳақида маълумотлар замахшарийшунослар тадқиқотидан ўрин олган. Хоразм фикҳ мактаби ва Ироқ фикҳ мактаби орасидаги боғлиқлик борлиги тарихий асосларга эга. Бу омил Ироқ замахшарийшунослик мактаби шаклланишига таъсир кўрсатган бўлиши табиий.

1977 йилда Шотландиянинг Сент-Андрюс университетида аллома Замахшарий бизгча етиб келган ягона фикҳий асари “Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафия ваш-шафиия” – “Ҳанафий ва шофеий мазҳаблари орасида ихтилофли бўлган асосий масалалар” китобининг дастлабки илмий-танқидий матнини тақдим этди. Нашрнинг кириш қисмида Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолияти, устоз ва шогирдлари, асарлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Тадқиқотнинг айнан Шотландияда амалга оширилганини “Руусул-масаил”нинг ягона қўлёзмаси Шимолий Ирландиянинг Честербити кутубхонасида №3600 рақам остида сақланаётгани билан изоҳлаш мумкин (Абдулҳалим Муҳаммад, 1977:21).

Ливанлик доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад Замахшарийнинг ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган олти асаридан бугунги кунгача етиб келган ягона асари “Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафийя ваш-шафиия” устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, бу борада

1983 йилда магистрлик, 1987 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади. Унинг тадқиқоти Сент-Эндрюс тадқиқотидан кенг қамрови, фикҳий масалаларнинг қиёсий таҳлили билан ажралиб туради (Замахшарий, Руусул-масаил, 1987: 72).

Маҳмуд Замахшарийнинг шоҳ асари “Кашшоф” тафсиридир. Замахшарийшуносликда “Кашшоф”га бағишланган тадқиқотлар ўзининг салмоғи ва давомийлиги билан ажралиб туради. Сабаби - “Кашшоф” Қуръони каримга ёзилган тафсиллар орасида юксак мавқега эга бўлиши билан бир қаторда қомусийлиги билан ҳам аҳамият қозонган. “Кашшоф”да аллома нафақат ўзининг тилшунослик салоҳиятини, балки, ҳадисшунослик, ҳуқуқшунослик, калом ва тафаккур борасидаги иқтидорини ҳам намоён этган. Асрлар давомида замахшарийшуносликнинг ичида кашшофшунослик алоҳида бўлим сифатида шаклланди, дейишга асослар етарли.

1988 йилда Муҳаммад Муҳаммад Абу Мусо томонидан “Замахшарий тафсирида қуръоний балоғат илми ва унинг балоғат илмига оид тадқиқотларга таъсири” номли тадқиқот нашр этилди (Муҳаммад Абу Мусо, 1988:92).

2002 йилда Иорданиянинг Мута университетида Зоҳир Тавфиқ Абу Кешк томонидан “Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирида балоғат илми ва далолат илмига оид ёндашувлар” номли тадқиқот нашр қилинди (Абу Кешк, 2002:16).

Айни санада Ироқнинг Мўсул университетида Абдуллоҳ Сулаймон Муҳаммад Адийб томонидан “Замахшарий тафсирида Қуръон қиротларида луғавий ва грамматик ёндашув” номли тадқиқот чоп этилди (Адийб, 2002:103).

2002 йилда Бағдод университетида Саъдун Аҳмад Али билан кашшофшунослик борасида ноёб тадқиқот нашр этилди. “Фарронинг “Қуръон маънолари” тафсири ва аз-Зажжажнинг Қуръон маънолари ва эъроб асарининг Замахшарий “Кашшоф” тафсирига таъсири” деб номланган мазкур нашрда муаллиф “Кашшоф” тафсирида таъсири кўзга ташланган бошқа тафсиллар ҳақида таҳлилий фикр юритади (Саъдун, 2002:127).

2005 йилда Иорданиянинг Ярмук университетида амалга оширилган тадқиқотни ҳам “Кашшоф”га бағишланган изланишлардаги янги йўналиш сифатида эътирофга лойиқ. Муҳаммад Маҳмуд Давмийнинг “Замахшарий тафсирида мутавотир қироатлар” деб номланган монографияси орқали аллома Замахшарий Қуръони каримнинг барча қироат усуллари яхши билганини ва ўз тафсирида улардан ўрни келганда фойдаланганини англаш мумкин (Ад-Давмий, 2005: 78).

1991 йилда тадқиқотчи Ҳомид ал-Хаффоф “Имом Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Жоруллоҳ Замахшарий таълиф этган “Кавсар сурасининг мўъжизаси” номли рисола тақдим қилди ва мазкур рисола замахшарийшуносликда янгилик бўлиб, у Маҳмуд Замахшарийнинг ҳали фанга номаълум бўлган асарига бағишланди (Замахшарий, Иъжаз сурат ал-Кавсар, 1991: 62).

2007 йил С.М. Прозоров томонидан тақдим этилган “Хоразм фаҳри” Замахшарий ва унинг номдор шогирдлари” каби нашрларни мисол қилиб келтириш мумкин. Россиялик таниқли шарқшунос С.Прозоровнинг Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолияти бежиз эмас. Замахшарий ҳаёти ҳақида аллома даврига мансуб библиографик асар таниқли шарқшунослар Б.З. Холидов ва А.Б.Холидовлар XX асрнинг 70-йилларида тақдим этилган. С.М. Прозоров ҳам “Андарасбанийнинг Замахшарий ҳақидаги тарихи” деб номланган мазкур асар ҳақида мақолалар чоп этган. Муайян маънода Холидовлар ишини давом эттирган (Прозоров, 2007:402).

1996 йилда Саудия Арабистонининг “Уммул-қуро” университетида Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Жумхур Ғомидий томонидан тақдим қилинган “Абулқосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг “Шарҳул-фасиҳ” асари” докторлик диссертациясини ҳам Замахшарий меросига бағишланган муҳим тадқиқот дейиш мумкин (Ғомидий, 1996:74). Сабаби, мазкур илмий ишда алломанинг шу пайтгача номаълум бўлган “Шарҳул-фасиҳ” асари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

1997 йилда Берлин Университети профессори Сабина Шмидтке Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб “Ал-минҳаж фил-усул” асарининг илк нашрини тақдим этди. Ушбу нашрдан “Ал-минҳаж фил-усул”нинг илмий-танқиди матни ва унинг инглиз тилидаги таржимаси ўрин олгани диққатга сазовор (Schmidtke, 1997:69).

2006 йилда “Kessinger Publishing” нашриёти инглиз тилида Чарльз Ҳорнинг “Олтин шодалар ёки Замахшарий афоризмлари” рисоласини оммага тақдим қилди (Horne, 2006). Алломанинг машҳур “Атвақ аз-заҳаб фил-маваиз вал-хутаб” – “Мавъиза ва панд-ўғитлар борасида олтин шодалар” деб номланган асарнинг инглизча таржимаси бўлган мазкур асар интернет саҳифаларидан ўрин олган бўлиб, уни электрон тўлов орқали сотиб олиш мумкин.

2011 йилда АҚШнинг Оғойо Университетида Леопольд Айзенлор томонидан “Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим” асарида араб тилидаги санок ўлчов бирликлари” (Eisenlohr, 2011: 73)

номли тадқиқот нашр этилди. Замахшарийнинг тилшунослик борасидаги машҳур асарига бағишланган ушбу илмий изланиш хорижда Замахшарий меросига борасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг ўзига хос намунасидир.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Қадим-қадимдан муаррихлар ва мутахассислар нигоҳида бўлиб келган Маҳмуд Замахшарий мероси ҳозирги даврда ҳам дунёнинг турли чеккаларида илмий изланишлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу нарса аллома илмий асарларининг аҳамияти ҳамон долзарблигини ёрқин ифодасидир.

2. Хориж тадқиқотчилари Замахшарийнинг ҳаёти ва у яшаган давр билан боғлиқ маълумотларни ҳамда алломанинг асарларида кўтарилган масалаларни ҳам бирдек ўрганмоқдалар.

3. Маҳмуд Замахшарий 91 та асарга муаллифлик қилган. Тадқиқ этилиши нуктаи назардан мазкур асарларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи, библиографик кўрсаткичларда номи келса-да, ўзи топилмаган асарлар. Масалан, Сабина Шмидтке томонидан нашр қилинган Замахшарийнинг “Ал-минҳож фи усул” асари 1997 йилгача қўлёзмаси топилмаган асарлар қаторида эди.

Иккинчи, библиографик кўрсаткичларда қайд этилган ва жаҳоннинг турли кутубхоналарида қўлёзмалари сақланаётган, аммо замонавий нашр юзини кўрмаган асарлар.

Учинчи, Маҳмуд Замахшарийнинг библиографик кўрсаткичларда номи келган, қўлёзмаси топилиб, нашр қилинган асарлари. Бу борада хорижда олиб борилган тадқиқот ва нашрлар борасида юқорида маълумот берилди.

4. Маҳмуд Замахшарийнинг номи маълум, лекин қўлёзмаси топилмаган асарларини излаш борасида ҳам ва қўлёзмаси мавжуд асарларини тадқиқ, қилиб нашр қилиш устида ҳам хорижда бирдек тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замахшарий асарлари турли электрон шаклларда (pdf, txt, jpeg ва ҳоказо) интернет саҳифаларидан ўрин олгани, ҳатто баъзи асарлари электрон тўлов воситасида сотувга қўйилгани аллома меросининг дунё тамаддуни тараққиётида қанчалик муҳим ўрин эгаллаганини кўрсатади.

5. Замахшарийшуносликдаги асосий йўналиш сифатида тилшуносликни кўрсатиш мумкин. Аллома меросига бағишланган асосий тадқиқотлар унинг араб тили, грамматикаси, адабиётига бағишланган асарларини қамраб олган.

6. Замахшарийшуносликдаги иккинчи муҳим йўналиш тафсирига оид тадқиқотлардир. Алломанинг

“ал-Кашшоф” тафсири қадим-қадимдан тадқиқот объекти бўлиб келган. Айни пайтда ҳам дунёнинг турли илм марказларида мазкур ноёб асарга бағишланган изланишлар давом этаётгани эътиборга моликдир.

7. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий фаолияти, унинг ислом ҳуқуқшунослигига оид асарлари ҳақидаги маълумотлар нодир ҳисобланади. Ушбу мерос алоҳида ўрганилмаган. Исломдаги йўналишлар тарихига оид манбаларда, Замахшарийга бағишланган асар ва тадқиқотларда унинг фикҳий масалаларни ҳанафий мазҳаби таълимотидан келиб чиқиб баён этиши қайд қилинган. Шу билан бирга Замахшарий фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – унинг фақат ҳанафий мазҳабининг эмас, балки фикҳдаги бошқа йўналишларнинг қиёсан чуқур билгани илмий изланишларда етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Маҳмуд Замахшарий мероси борасида юртимизда амалга оширилаётган тадқиқотларни янада жадаллаштириш, қўламини кенгайтириш, қомусий алломамизнинг диёримиз кутубхоналарида мавжуд дурдона асарларини тадқиқ этиб, уларни мамлакатимиз ва хориж илмий жамоатчилигига тақдим қилиш илм-фанамиз тараққиётида ҳам моддий, ҳам маънавий аҳамият касб этади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Eisenlohr, L. (2011). *Arabic Quantitative Metrics in al-Zamakhshari's al-Qismās al-Mustaḳīm*. Ohio State (USA): The Ohio State University.
2. Horne, C. F. (2006). *Golden Necklaces Or Maxims Of Zamakhshari – Pamphlet*. Kessinger Publishing.
3. Schmidtke, S. (1997). *A Mutazilite creed of az-Zamahshari = al-Minhāḡ fī uṣūl ad-dīn / ed. and transl. by Deutsche Morgenländische Gesellschaft*. Stuttgart: Steiner.
4. Абдулҳалим Муҳаммад. (1977). *Маҳмуд Замахшарий Руусул-масаил асари танқидий матни*. Сент-Эндрюс Шотландия: Сент-Эндрюс нашриёти.
5. АбуКешк, З. Т. (2002). *Ал-авжух ал-балағия вад-дилалия фий тафсиър ал-Кашшоф аз-Замахшарий*. Мута (Иордания): Мута университети нашриёти.
6. Абҳарий, К. Ж. (2014). *Аз-Замахшарий сийратуху, осоруху, мазҳабуху ан-наҳвий*. Амман: Дар ал-жинан лин-нашри ват-тавзий.
7. Ад-Давмий, М. М. (2005). *Ал-қираат ал-мутаваотира фий тафсиър аз-Замахшарий*. Иордания: Ярмук университети.
8. Адийб, А. С. (2002). *Ат-Тавжсийх ал-луғавий ван-наҳвий лил-қираат ал-Қуръания фий тафсиър аз-Замахшарий*. Мусул (Ироқ): Мусул университети нашриёти.

9. Азми, Ю. (1979). *Аз-Замахшарий ҳаёти ва унинг "Девон" асари танқидий матни (инглиз тилида)*. Дюрем (Англия): Дюрем тезис нашриёти.
10. ал-Убайдий, Р. А. (2001). *Аз-Замахшарий ал-луғавий ва китабуху ал-Фаик*. Бағдод: Ироқ фанлар академияси нашриёти.
11. Ал-Хуфий, А. М. (1966). *Аз-Замахшарий*. Қоҳира: Дар ал-фикр ал-аоабий.
12. Ал-Ҳасаний, Б. Б. (1967). Рисалатани лиз-Замахшарий. *Ироқ фанлар академияси журнали*, 15, 87-129.
13. ан-Нажжор, А. Қ. (1982). *Аз-Замахшарий осоруху ва манҳажуху ан-наҳвий*. Истанбул: Ал-Фотих университети нашриёти.
14. Ан-Нажжор, А. Қ. (1982). *Аз-Замахшарий осоруху ва манҳажуху ан-наҳвий*. Триполи: Триполи ал-Фотих университети нашриёти.
15. Брокелман, К. (1977). *Араб адабиёти тарихи*. Қоҳира: Дар ал-маъриф.
16. Гомидий, И. и. (1996). *Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг "Шарҳ ал-фасих" асари*. Макка: Уммул-Қуро университети.
17. Исломов З. Муқаддамату-л-адаб» асарининг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи. Монография. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. – Тошкент: 2020. – 334 б.
18. Жексон, Р. (2006). *Ислолдаги 50 буюк шахс (инглиз тилида)*. Нью Йорк: Роутленж.
19. Жувайний, М. а.-С. (1968). *Манҳаж аз-Замахшарий фий тафсири ал-Қуръан ва баёну иъжазиҳи*. Қоҳира: Дар ал-маъриф.
20. З.М.Бунятов. (1999). *Хоразмшоҳлар - ануштегинийлар давлати*. Баку: Элм.
21. Замахшарий, М. (1973). *Ал-муҳожот бил-масаил ан-наҳвия*. (Б. Б. ал-Ҳасаний, Ред.) Бағдод: Ироқ фанлар академияси.
22. Замахшарий, М. (1991). *Иъжаз сурат ал-Кавсар*. (Х. ал-Хаффоф, Ред.) Байрут: Дар ал-балағ.
23. Замахшарий, М. (1987). *Руусул-масаил ал-хилафия байна ал-ҳанафия ваи-шафия*. (А. Н. Аҳмад, Ред.) Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия.
24. Заҳабий, Ш. (1982). *Сияр аълам ан-нубало*. Байрут: Муассаса ар-рисала.
25. Ибн Қутлубуғо, Қ. (1997). Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий. В Қ. Ибн Қутлубуғо, *Тоғ ат-тароҷум* (стр. 291-292). Байрут: Дар ал-қалам.
26. Исломов, З. М. (2002). *Адаб илмининг дурдонаси*. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
27. Исломов, З. М. (2002). Маҳмуд Замахшарий. В *Буюк алломаларимиз*. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
28. Исломов, З. М. (1993). *Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамату-л-адаб" асаридаги туркий феъллар таҳлили*. Филол. фан. ном. дис... автореф. Тошкент: Тошкент Давлат Университети нашриёти.
29. Исломов, З. М. (1998). *Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамату-л-адаб" асарининг қўлзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлизининг йиғма илмий-танқидий матни*. Филол. фан. докт. дис... автореф. Тошкент: ЎзР ФА Қўлзмалар институти нашриёти.
30. Исломов, З. М. (2002.). *Муқаддамату-л-адаб (манбашунослик таҳлили)*. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
31. Қураший. (1993). *Ал-жаваҳир ал-музийя фий табақот ал-ҳанафия*. Қоҳира: Дар хижр.
32. Лакнавий, А. (1998). Абулқосим Жоруллоҳ аз-Замахшарий. В А. Лакнавий, *Ал-жаваҳир ал-музийя фий табақот ал-ҳанафия* (стр. 209-210). Байрут: Ширкат дар.
33. Муҳаммад Абу Мусо. (1988). *Ал-балоғ ал-Қуғъония фий тафсири аз-Замахшарий асарухо фий ад-дирасат ал-балағия*. Қоҳира: Мактаба ал-ваҳба.
34. Муҳаммад Адийб, А. С. (2002). *Ат-Тавжийҳ ал-луғавий ван-наҳвий лил-қираат ал-Қуръания фий тафсири аз-Замахшарий*. Мусул: Мусул университети.
35. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20>
36. Прозоров, С. (2007). Mahmut Zamakhshary and Oriental Literature - Scientific Renaissance. *Гордость Хваризма Махмуд Замахшари и его титулированные* (стр. 420-423). Ашхабад: Дашогуз.
37. Самъоний, & Абдулкарим. (1980). Ал-Ансаб. В С. Абдулкарим, *Ал-Ансаб* (стр. 2282). Қоҳира: Рисала.
38. Саъдун, А. А. (2002). *Асар Маъаний ал-Қуръан ли ал-Фарро ва маъаний ал-Қуръан ва иърабуху ли аз-Зажжаж фил-Кашишаф аз-Замахшарий*. Бағдод: Бағдод университети.
39. Сомрой, Ф. С. (1971). *Ад-дирасат ан-наҳвия вал-луғавия инда аз-Замахшарий*. Бағдод: Матбаа ал-иршад.
40. Холидов, Боки Зоҳидович; Холидов, Анас Бокиевич. (1973). Биография аз-Замахшари, составленная его современников ал-Андарасбани. В *Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежегодник* (стр. 203-212). Москва: Наука.
41. Ҳасаний, Б. Б. (1967). Рисалатани лиз-Замахшарий. *Ироқ фанлар академияси журнали*, 15, 87-129.
42. ҲожиХалифа. (2010). Ал-Имам ал-Аллома Жоруллоҳ аз-Замахшарий. В ҲожиХалифа, *Силм ал-вусул ила табақот ал-фухул* (стр. 314-315). Истанбул: Евромат. IRCICA.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Eisenlohr, L. (2011). *Arabic Quantitative Metrics in al-Zamakhshari's al-Qistās al-Mustaqīm*. Ohio State (USA): The Ohio State University.
2. Horne, C. F. (2006). *Golden Necklaces Or Maxims Of Zamakhshari – Pamphlet*. Kessinger Publishing.

3. Schmidtke, S. (1997). *A Mutazilite creed of az-Zamahshari = al-Minhâğ fi uşûl ad-dîn / ed. and transl. by Deutsche Morgenländische Gesellschaft*. Stuttgart: Steiner.
4. Abdulhalim Muhammad. (1977). *Mahmud Zamaxshariy Ruusul-masail asari tanqidiy matni*. Sent-Endryus Shotlandiya: Sent-Endryus nashriyoti.
5. AbuKeshk, Z. T. (2002). *Al-avjuh al-balag'iya vaddilaliya fiy tafsir al-Kashshaf az-Zamashshariy*. Muta (Iordaniya): Muta universiteti nashriyoti.
6. Abhariy, K. J. (2014). *Az-Zamashshariy siyratuhu, osoruhu, mazhabuhu an-nahviy*. Amman: Dar al-jinan lin-nashri vat-tavzi'.
7. Ad-Davmiy, M. M. (2005). *Al-qiraat al-mutavotira fiy tafsir az-Zamashshariy*. Iordaniya: Yarmuk universiteti.
8. Adiyb, A. S. (2002). *At-Tavjiy al-lug'aviy van-nahviy lil-qiraat al-Qur'aniya fiy tafsir az-Zamashshariy*. Musul (Iroq): Musul universiteti nashriyoti.
9. Azmiy, Yu. (1979). *Az-Zamashshariy hayoti va uning "Devon" asari tanqidiy matni (ingliz tilida)*. Dyurem (Angliya): Dyurem tezis nashriyoti.
10. al-Ubaydiy, R. A. (2001). *Az-Zamashshariy al-lug'aviy va kitabuhu al-Faiq*. Bag'dod: Iroq fanlar akademiyasi nashriyoti.
11. Al-Xufiy, A. M. (1966). *Az-Zamashshariy*. Qohira: Dar al-fikr al-aoabiy.
12. Al-Hasaniy, B. B. (1967). *Risalatani liz-Zamashshariy. Iroq fanlar akademiyasi jurnali*, 15, 87-129.
13. an-Najjor, A. Q. (1982). *Az-Zamashshariy osoruhu va manhajuhu an-nahviy*. Istanbul: Al-Fotih universiteti nashriyoti.
14. An-Najjor, A. Q. (1982). *Az-Zamashshariy osoruhu va manhajuhu an-nahviy*. Tripoli: Tripoli al-Fotix universiteti nashriyoti.
15. Brokkelman, K. (1977). *Arab adabiyoti tarixi*. Qohira: Dar al-ma'arif.
16. G'omidiy, I. i. (1996). *Abulqosim Mahmud Zamashshariyning "Sharh al-fasih" asari*. Makkka: Ummul-Quro universiteti.
17. Islomov Z. *Muqaddamatul-adab» asarining manbashunoslik va matnshunoslik tadqiqi*. Monografiya. O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi. – Toshkent: 2020. – 334 b.
18. Jekson, R. (2006). *Islomdagi 50 buyuk shaxs (ingliz tilida)*. Nyu York: Routlenj.
19. Juvayniy, M. a.-S. (1968). *Manhaj az-Zamashshariy fiy tafsir al-Qur'an va bayonu i'jazihi*. Qohira: Dar al-ma'arif.
20. Z.M.Buniyatov. (1999). *Xorazmshohlar - anushteginiylar davlati*. Baku: Elm.
21. Zamashshariy, M. (1973). *Al-muhojot bil-masail an-nahviya*. (B. B. al-Hasaniy, Red.) Bag'dod: Iroq fanlar akademiyasi.
22. Zamashshariy, M. (1991). *I'jaz surat al-Kavsar*. (H. al-Xaffof, Red.) Bayrut: Dar al-balag'a.
23. Zamashshariy, M. (1987). *Ruusul-masail al-xilafiya bayna al-hanafiya vash-shafiya*. (A. N. Ahmad, Red.) Bayrut: Dar al-bashair al-islamiya.
24. Zahabiy, Sh. (1982). *Siyar a'lam an-nubalo*. Bayrut: Muassasa ar-risala.
25. Ibn Qutlubug'o, Q. (1997). Mahmud ibn Umar az-Zamashshariy. V Q. Ibn Qutlubug'o, *Toj at-tarojum* (str. 291-292). Bayrut: Dar al-qalam.
26. Islomov, Z. M. (2002). *Adab ilmining durdonasi*. Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyoti.
27. Islomov, Z. M. (2002). Mahmud Zamashshariy. V *Buyuk allomalarimiz*. Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyoti.
28. Islomov, Z. M. (1993). *Mahmud Zamashshariyning "Muqaddamatul-adab" asaridagi turkiy fe'llar tahlili: Filol. fan. nom. dis... avtoref*. Toshkent: Toshkent Davlat Universiteti nashriyoti.
29. Islomov, Z. M. (1998). *Mahmud Zamashshariyning "Muqaddamatul-adab" asarining qo'lyozma manbalari va arabcha-turkiy fe'llar so'zligining yig'ma ilmiy-tanqidiy matni: Filol. fan. dokt. dis... avtoref*. Toshkent: O'zR FA Qo'lyozmalar instituti nashriyoti.
30. Islomov, Z. M. (2002.). *Muqaddamatul-adab (manbashunoslik tahlili)*. Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyoti.
31. Qurashiy. (1993). *Al-javahir al-muziyya fiy tabaqot al-hanafiya*. Qohira: Dar hijr.
32. Laknaviy, A. (1998). Abulqosim Jorulloh az-Zamashshariy. V A. Laknaviy, *Al-javahir al-muziyya fiy tabaqot al-hanafiya* (str. 209-210). Bayrut: Shirkat dar.
33. Muhammad Abu Muso. (1988). *Al-balag'a al-Qug'oniya fiy tafsir az-Zamashshariy asaruho fiy ad-dirasat al-balag'iya*. Qohira: Maktaba al-vahba.
34. Muhammad Adiyb, A. S. (2002). *At-Tavjiy al-lug'aviy van-nahviy lil-qiraat al-Qur'aniya fiy tafsir az-Zamashshariy*. Musul: Musul universiteti.
35. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20>
36. Prozorov, S. (2007). Mahmud Zamakhshary and Oriental Literature - Scientific Renaissance. *Gordost Xvarizma Maxmud Zamashshari i yego titulirovannyye* (str. 420-423). Ashxabad: Dashoguz.
37. Sam'oni, & Abdulkarim. (1980). Al-Ansab. V S. Abdulkarim, *Al-Ansamb* (str. 2282). Qohira: Risala.
38. Sa'dun, A. A. (2002). *Asar Ma'aniy al-Qur'an li al-Farro va ma'aniy al-Qur'an va i'rabuho li az-Zajjaj fil-Kashshaf az-Zamashshariy*. Bag'dod: Bag'dod universiteti.
39. Somroiy, F. S. (1971). *Ad-dirasat an-nahviya val-lug'aviya inda az-Zamashshariy*. Bag'dod: Matbaa al-irshad.
40. Xolidov, Boki Zohidovich; Xolidov, Anas Bokiyeovich. (1973). *Biografiya az-Zamashshari, sostavlenaya yego sovremennikov al-Andarabani. V Pismennyye pamyatniki Vostoka. Istoriko-filologicheskiye issledovaniya. Yejegodnik* (str. 203-212). Moskva: Nauka.
41. Hasaniy, B. B. (1967). *Risalatani liz-Zamashshariy. Iroq fanlar akademiyasi jurnali*, 15, 87-129.
42. HojiXalifa. (2010). Al-Imam al-Alloma Jorulloh az-Zamashshariy. V HojiXalifa, *Silm al-vusul ila tabaqot al-fuxul* (str. 314-315). Istanbul: Yevromat. IRCICA.